ҚҲММБ: 10/19/3016-1/2984-сон
22.04.2019 й.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3016-1
2019 yil 22 aprel

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги ПФ-5624-сон “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 15 майдаги 185-сон буйруғи (рўйхат рақами 3016, 2018 йил 26 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 22-сон, 458-модда) билан тасдиқланган Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир** **Д. Кучкаров**

Тошкент ш.,
2019 йил “11” март,
36-сон

ҚҲММБ: 10/19/3016-1/2984-сон
22.04.2019 й.

Ўзбекистон Республикаси молия
вазирининг 2019 йил 11 мартдаги
36-сон буйруғига
ИЛОВА

**Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банднинг йигирманчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган** (бундан буён матнда ваколатли орган деб юритилади) – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги;”.

2. 7-банддаги “Буюртмачи” деган сўз “Корпоратив буюртмачи” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 10-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

4. 20-банд “ҳолда” деган сўздан кейин “офертани таклиф этган иштирокчига ҳамда” деган сўзлар билан тўлдирилсин.

5. 24-банддаги “Буюртмачи” деган сўз “Корпоратив буюртмачилар” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 34-банднинг иккинчи хатбошисидаги “Буюртмачилар” деган сўз “Корпоратив буюртмачилар” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 35-банддаги “ўн” деган сўз “беш” деган сўз билан алмаштирилсин.

8. 40-банд “вазирлигининг” деган сўздан кейин “давлат молиясини бошқариш ахборот тизими” деган сўзлар билан тўлдирилсин.

9. 47-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги” деган сўзлар “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 53 ва 132-бандлардаги “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг” деган сўзлар “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 65-банддаги “ўттиз” деган сўз “ўн” деган сўз билан алмаштирилсин.

12. 221-банднинг иккинчи хатбошиси “Марказга” деган сўздан кейин “ва ваколатли давлат органларига” деган сўзлар билан тўлдирилсин.

13. 6-боб қуйидаги мазмундаги $235^{1}$-банд билан тўлдирилсин:

“$235^{1}$. Махсус ахборот портали ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг давлат молиясини бошқариш ахборот тизими ўртасидаги маълумотлар базаси электрон ҳамкорлиги орқали давлат буюртмачилари билан тузилган шартномалар реестри бўйича кунлик маълумот алмашинуви амалга оширилади.”.

DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI